

БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ ОЛУВЧИ ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАРГА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ, УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМА №

Қарши шахри

26 январь 2022 йил.

Қарши шаҳар электр тармоқлари, (ташкилот, корхона номи) кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи К.Рахмонов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Қарши шаҳар молня бўлими (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Истемолчи" деб юритилади, Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Ш.Ашуров (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича «Таъминотчи» «Истемолчи»нинг буюртманомасига мувофиқ уланган тармоқ орқали электр энергияси етказиб беришни уз зиммасига олади, «Истемолчи» эса мазкур шартноманинг

1- иловасида белгиланган кувватдаги электр энергиясини қабул қилиб олиш ва илова қилинадиган жадвал асосида бюджетда ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳақ тулашни уз зиммасига олади.

1.2. Бюджет ташкилотининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узғаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчилар томонидан узаро қилишилган ҳолда шартнома суммасига узгартиришлар киритишга ҳақлидирлар.

1.3. Фойдаланадиган электр энергиясининг йиллик ҳажми 13333,32 кВт.с ташкил қилади.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Истемолчи»нинг ҳуқуқлари:

а) «Таъминотчи»дан шартномада курсатилган микдордаги электр энергиясини электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига етказиб беришни; (2-илова)

б) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома (3-иловага асосан) ва стандартларда белгиланган микдорда сақлашни;

в) электр энергияси истемолчининг ойлик шартномавий микдорини чораклик микдор доирасида жорий чорак мобайнида 2 марта (1- ва 2-ойларда улар тугагунгача 10 кундан кечикмай) қайта тақсимланишини «Таъминотчи»дан талаб қилишга ҳақлидир.

г) электр тармоқларининг бўлиниш чегарасида зарур сифатга мувофиқ булмаган электр энергияси етказиб берилганда «Истемолчи» уз хоҳишига қура;

муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ булмаган ҳолда етказиб берилган электр энергиясини қабул қилишни ҳақини тулашни рад этишга

г) «Таъминотчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

2.2. «Истемолчи»нинг мажбуриятлари:

а) Ҳисобга олиш жойи электр тармоқларнинг «Таъминотчи» билан баланс мансублиги буйича бўлиниш чегарасига утқазилсин (истемолчининг ҳисобга олиниши бўлиниш чегарасида амалга оширилмаган вазиятларда);

б) электр тармоқлари, асбоб ускуналарининг тегишли техник ҳолатини ва хавфсизлигини таъминлаш;